**Ш А Р Т Н О М А № 2022-384-11-155.ИТ**

«21» 04 2022 йил Дангара тумани

«BLUE FUTURE OK» номидан рахбари Х. Уришев бундан буён бир томондан «Сотувчи» деб юритилади, низом асосида харакат килувчи, иккинчи томондан «Дангара тумани М.Т.Б» номидан рахбар Т. Рахмонова низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Харидор» деб юритилади ва куйдагилар хакида ушбу шартнома тузилди.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса туловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сунг кабул килиш мажбуриятини оладилар.

## II. ШАРТНОМА НАРХИ

| т/р № | Товарнинг номи | Улчов бирлиги | Микдори | Нархи | Суммаси | Суммаси ҚҚС билан |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Одеал | Дона | 3000 | 54000 | 162 000 000 | 162 000 000 |
| 2 | Курпа тушак жилди | Комплект | 9500 | 55000 | 522 500 000 | 522 500 000 |
| 3 | Ёстик | Дона | 3500 | 22000 | 77 000 000 | 77 000 000 |
| 4 | | | | | | |
| 5 | | | | | | |
| 6 | | | | | | |
| 7 | | | | | | |
| 8 | | | | | | |
| 9 | | | | | | |
| | **Жами** | | | | | 761 500 000 |

Товарларнинг шартномавий умумий бахоси 761 500 000 (**етти юз олтмиш бир миллион беш юз минг)** сум.

## III.ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товарнинг 30 % микдорида пул утказиш йули билан туловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати узаро келишилган холда кушимча белгиланади.

## IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 1( бир ой) муддат ичида «Харидор»га етказиб бериши шарт.

## V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертфикати), ишлаб чикариш меъёрий хужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос келиши шарт.

## VI.ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ

6.1. Товарлар тўлиқ етказиб берилиши керак берилаётган товар қисман етказиб бермаса харидор яни бюртмачи уларни тўлиқ етказиб беришни талаб қилиш хукукига эга.
Талаблар бажарилмаганда ёзма равишда талабнома беришга хакли.

**6.2.** - Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган махсулотни кайтариб олиб қуйиш хукукига эга;

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя килган холда ўз вактида «Харидор»га товарни етказиб бериш;
- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш олгандан сўнг, сифатли бўлмаган махсулотни 3(уч) кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган махсулот бахосини кайтариб бериш.
- «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини хисоб-варакларда тўлик ва аник номини, махсулот навини, категориясини ва бошка кўрсаткичларини кўрсатиш шарт. Шунингдек, хисоб-варакларни белгиланган тартибда ракамлаб, тўлик реквизитларини расмийлаштириш шарт.

7.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя килган холда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига,

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган махсулот келиб тушгани аниклангандан кейин, бу хакда далолатнома ёзилиб 3(уч ) кун ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.

- Тўлик расмийлаштирилмаган хамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган хисоб-вараклар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажармаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

8.2. «Сотувчи» «Харидор»нинг олдидан маблағи бўлган холда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун шартноманинг бажарилмаган кисмидан 0.5 % микдорида «Харидор»га пеня тулайди, лекин пеня микдори шартнома бажарилмаган кисмидан 50% дан ошмаслиги керак.

8.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатларидаги хамда бутлашдаги махсулот берилмаган бўлса, айбдор тараф 5 % микдорида жарима тўлайди.

8.4 «Харидор» олинган товар учун туловни ўз вактида амалга оширмаса кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% микдорида «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

8.5 Текширув органлари томонидан махсулот нархи киммат деб топилган тақдирда ўртадаги фарк етказиб берувчи томонидан қопланади.

## IX. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

9.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлик бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб булмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавкулотда тусдаги холатларга: сув тошкини, ёнгин, ер кимирлаши ва бошка табиий офатлар, шунингдек харбий харакатлар, давлат органларининг актлари ёки харакатлари ва тарафлар назорат кила олмайдиган бошка хар кандай холатлар тегишлидир.

9.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни 5 (беш) иш кунида огохлантириши шарт.

9.3.Огохлантириш хати (почта ) оркали юборилади.

9.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 3(уч) ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

## X. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал қилинади. Ўзаро келишилмаса иктисодий суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибида хал қилинади.

10.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига хамда амалдаги қонун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

10.3. Ушбу шартнома 2022 йил «21» ____04______ дан 2022 йил « _31__» _12______ гача тузилди. Шартнома икки нусхада тузилиб, икки томонлама имзолангандан сўнг конуний кучга киради.

## XI. КЎШИМЧА ШАРТЛАР

1, Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал килиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлик коррупциявий харакатларни содир килмасликка келишиб оладилар

2. Тарафлар шартномадаги коррупцига карши кўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича хамкорликни таъминлайдилар.

3. Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита узи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик муносабалар юзасидан конунга хилоф равишда пул, моддий кийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошка моддий кийматликлар олинишига йул куйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда килинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги даракатларни амалга ошириши мумкинлиги хакида таассурот колдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошка шахсларнинг) юкоридаги харакатларни содир этмаслиги юзасидан окилона чоралар кўради.

4, Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан хар кандай вакт ва шаклда куйидаги харакатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладаи, учинчи шахслар оркали) содир этилишига йўл кўймайди:

а) назорат килувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солик солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилишн, конунчилик жараёни ва бошка сохаларда конунга хилоф равишда тижорат ёки бошка тусдаги устунликка эга бўлиш ёки саклаб колиш максадида юкоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда килиниши,

берилишига;

б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг реаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига ноқонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол- мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга; в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

5. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьютерлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт.

- коррупциявий ҳаракатларга пул қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

-улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

-уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

6. Тарафлар уларнинг

7. назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

8. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

**«Сотувчи»**
"BLUE FUTURE" О/к

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Дангара тумани Дангара шахарчаси

Тел./факс **(91)** 688-86-36
х/в 2020 8000 9054 8767 9001
Банк номи : ДАНГАРА Т.. АТ ХАЛК БАНКИ ДАНГАРА ФИЛИАЛИ
МФО: 00800 СТИР: 309258344
ОКОНХ: ______________________

Раҳбар ________ Х.Уринов
(имзо)
М.Ў.

**«Буюртмачи»**
**Дангара тумани Мактабгача Таълим Бўлими**

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил : Данғара тумани
________ Тошкент кўчаси
Тел./факс
ш/хр 100012860302367091100251038
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 305155713

ОКОНХ__________
Ғазначилик бўлинмаси номи Данғара тумани Ғазначилиги
Ғазна х/в 23402000300100001010
Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ш ХККМ
МФО _00014
ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919
Раҳбар ________
(имзо)
М.Ў.

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: IK64603182О7

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
DANG'ARA TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

150500, Dang'ara tumani, Toshkent ko'chasi, 150-uy, tel.: (998 73) 572 17 78,
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: dangara.t-yurmarkaz@adliya.uz

" 26 " aprel 2022 yil.

Dang'ara tumani Maktabgacha
ta'lim bo'limiga

YURIDIK AXAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN XUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY

XULOSA.

1. Loyihaning turi:

**XO'JALIK SHARTNOMASI.**

2. Loyihaning nomi:

**"BLUE FUTURE" OK tomonidan Dang'ara tumani Maktabgacha ta'lim bo'limiga 761.500.000 (etti yuz oltmish bir million besh yuz ming) so'mlik Odeal, ko'rpa-to'shak jildi va yostiq maxsulotlari etkazib berish to'g'risida.**

3. Loyihani taqdim etgan davlat organi yoki tashkilotining nomi:

**Dang'ara tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi.**

4. Loyiha yuzasidan berilgan huquqiy xulosa:

Mazkur shartnoma O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni asosida o'rganildi. Shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjatlari talablariga javob beradi hamda qonunga mos holda tuzilgan. Tomonlarning shartnomada ko'rsatilgan javobgarligi va o'zaro nizolarni hal qilish O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda O'zbekiston Respublikasi xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi, O'zbekiston Respublikasi Davlat xaridlari to'g'risidagi qonunlari asosida tuzilganligi haqida xulosa qilaman.

Dang'ara tumani Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsulti

B.Ergashev

Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ
солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги
маълумотлар базасини шакллантириш ва
юритиш тартиби тўғрисидаги
низомга 6-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга
олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида

# ГУВОҲНОМА

# УДОСТОВЕРЕНИЕ

о регистрации в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан
и присвоении идентификационного номера налогоплательщику

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ - ЮРИДИК ШАХС

НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИК - ЮРИДИЧЕСКОЕ ЛИЦО

Тўлиқ номи:
Полное наименование: "BLUE FUTURE" OILAVIY KORXONA

Қисқача номи:
Краткое наименование: "BLUE FUTURE" OK

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинди ва унга қуйидаги
солиқ тўловчи идентификация рақами (СТИР) берилди:

Зарегистрирован в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан
и ему присвоен идентификационный номер налогоплательщика (ИНН):

309258344

СТИР берилган сана:
Дата присвоения ИНН: 05.02.2022

Рўйхатга олинган ДСИ:
Зарегистрирован в ГНИ: Дангара тумани

Ушбу Гувоҳнома Давлат солиқ қўмитасининг интернетдаги расмий сайти
орқали шакллантирилган ва чоп этилган

Данное Удостверение сформировано и распечатано через официальный сайт
Государственного налогового комитета

Гувоҳнома чоп этилган сана:
Дата распечатки удостоверения: 15.04.2022 08:48:52